

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА КИШЛОК  
ХУЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



«ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ»  
КАФЕДРАСИ

Доцент: Утепов Б.Б.

ТОШКЕНТ-2019 й.

Мавзу:

**“ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ХАВФИ ТУГИЛГАНДА ВА СОДИР  
БЎЛГАНДА, ФУҚАРО МУХОФАЗАСИНИ БОШҚАРИШ, ХАБАР  
БЕРИШ ВА АЛОҚАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”**

**❖ ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:**

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлар оқибатларидан химоя килиш
2. Фуқаро муҳофазасини бошқаришнинг асосий вазифалари:
3. Алоқа воситалари ва хабарлаш тизимининг асосий вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар. Вазирлик ва идораларнинг вазифалари.
4. Хабар бериш сигналлари ва уларга биноан аҳолининг ҳатти-ҳаракатлари .
5. Республикада, вилоятда, шаҳарда, туманда ва иқтисодиёт объектларида алоқа ва хабарлашни ташкил этиш.

## ❖ АДАБИЁТЛАР:

❖ 1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Қонуни. 20 август 1999 й.



❖ 2. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" ги Қонуни. 26 май 2000 й.


❖ 3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлигининг 2008 йил 26 декабрдаги «Вазирликлар ва идоралараро кундаликда ҳамкорлик қилиш ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ахборот алмашинуви Йўриқномасини тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида» ги 3-сонли буйруғи.

❖ 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-Қарори.

*Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлар оқибатларидан химоя килиш ва ФВ-ни бартараф қилишда бошқарувни ташкил этиши мұхим аҳамияттағы әгадир.* Фуқаро мухофазасини бошқаришнинг мохияти фуқаро мухофазаси хизмати, республика раҳбар органлари, фуқаро мухофазаси бошлиқлари, бошқармалар, комиссиялар, хизматларнинг доимий мақсадни күзлаш фаолиятидан иборат бўлиб, қуйидаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш қаратилади:

- ❖ - аҳолини табиий оғатлардан, авариялардан, халокатлардан мухофаза қилиш;
- ❖ - иқтисодиёт объектлари ва тармокларининг барқарор ишлашини таъминлаш;
- ❖ - бошқарув органларининг, фуқаро мухофазаси куч ва воситаларини шайлигини юқори даражада саклаш;
- ❖ - авария - қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни муваффақиятли ўтказиш.

# Фукаро мухофазасини бошқариш



## Фуқаро мухофазасини бошқаришнинг асосий вазифалари:

- ❖ - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш учун фуқаро мухофазаси бошқарув органлари ва тизимларининг доимо шай туришини таъминлаш;
- ❖ - фуқаро мухофазаси режаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- ❖ - фуқаро мухофазаси тадбирларииинг йиллик ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;
- ❖ - муҳофаза иншоотлари ва шахсий муҳофаза воситаларини кўпайтиришларини ташкил этиш;
- ❖ - фавқулодда вазиятлар юзага келганда иқтисодиёт объектлари, бирлашмалари ва тармоқлари барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот, ташкилий, технологик ва мухандислик-техник тадбирларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;

- табиий офатлар, авариялар, халокатлар содир бўлганда авария - кутқарув ва бошқа шошилинч ишларни ўтказиш учун фуқаро муҳофазаси органлари, кучлари ва воситалари, аҳолининг тайёрлигини таъминлаш;
- аҳолини ўз ҳудудларни фавқулодда  вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва бериш.

Бошқарув узлуксиз, барқарор, мосланувчан (тезкор), яширин бўлиши керак.

### **Бошқарув пунктлари, уларнинг вазифаси ва жойлашиши.**

- Бошқарув пункти (БП)** - бу тегишли фуқаро муҳофазаси органи жойлаштирилишига ва барқарор ишлаши таъминлашга мўлжаллаб, маҳсус ускуналаган ёки техник воситалар билан жихозланган иншоот ёки транспорт воситаси (ёхуд мажмуа). Улар фуқаро муҳофазасининг барча бўғинларида тузилади.

Қандай мақсадларда мугокаллангани ва жойлашган ўрнига қараб бошқарув пунктлари иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ бўғинларида бўлиши мумкин. Захира, шаҳар, ёрдамчи, кўчма, хаводаги бошқарув пунктлари, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш кучлари ва воситаларини бошқариш пунктлари ҳам бўлади. ***Бошқарув узлуксиз, барқарор, мосланувчан (тезкор), яширин бўлиши керак.***

❖ **Бошқарув пунктлари, уларнинг вазифаси ва жойлашиши.**

- ❖ Бошқарув пункти (БП) - бу тегишли фуқаро муҳофазаси органи жойлаштирилишига ва барқарор ишлаши таъминлашга мўлжаллаб, маҳсус ускуналаган ёки техник воситалар билан жихозланган иншоот ёки транспорт воситаси (ёхуд мажмуа). Улар фуқаро муҳофазасининг барча бўғинларида тузилади.
- ❖ Қандай мақсадларга мулжаллангани ва жойлашган ўрнига қараб бошқарув пунктлари иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ бўғинларида бўлиши мумкин. Захира, шаҳар, ёрдамчи, кўчма, хаводаги бошқарув пунктлари, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш кучлари ва воситаларини бошқариш пунктлари ҳам бўлади.

❖ Фуқаро мухофазаси ҳудудий хизматларининг бошқарув пунктларини тегишли фуқаро мухофазаси бошлиқлари жойлашадиган бошқарув пунктлари яқинида жойлаштириш керак.

❖ Кўчма бошқарув пунктлари (КБП) Республикада, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, шаҳарларда, туманларда, халқ хўжалиги объектларида олдиндан ташкил этилиб қўйилади. Кўчма бошқарув пунктлари шикаст ўчоғида ёки табиий офат зоналаридаги энг масъулиятли йўналишларда кутқарув ва бошқа шошилинч ишларни ўтказиш ҳамда фуқаро мухофазаси кучларига бевосита раҳбарлик қилишни таъминлаш учун мўлжалланган.

❖ Кўчма бошқарув пунктлари маҳсус ёки мослаштирилган қўмондон-штаб машиналарида йўлга қўйилади. Уларда иш ўринлари жихозланади ҳамда фуқаро мухофазаси бошлиғининг юқори органлар, захирадаги бошқарув пункта, тасарруфидаги органлар ва фуқаро мухофазаси кучлари билан алокасини таъминлаб берадиган алоқа воситалари ўрнатилади.

- ❖ - Хаводаги бошқарув пунктлари республика, вилоят, тоифаланган шаҳарларнинг бўғинларида вертолёт, самолётлар базасида, ердаги бошқарув пунктларидан бошқариш қийинлашган ёки мумкин бўлмай қолганда ФВДТ кучларини бошқаришга мўлжалланган бўлади.
- ❖ ФВДТнинг ахборот-бошқарув қуи тизими куйидагиларни ўз ичига олади (ФВДТ хақидаги Низомнинг- 24-банди):
  - ❖ -Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фавқулодда вазиятларни бошқариш маркази;
  - ❖ -ФВДТ ҳудудий ва функционал қуи тизимларининг ахборот-таҳ марказлари;
  - ❖ - атроф табиий мухит ва кучли хавфли объектлар ҳолатини кузатиш: назорат қилиш органларининг ахборот марказлари;
  - ❖ -Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқаришининг ҳаракатланувчи пунктлари;
  - ❖ -алоқа ва ахборот узатиш воситалари, шу жумладан бошқариш ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тизими.

- ❖ Фуқаро мухофазаси тадбирларини ўтказиш учун маълумотлар тўплаб шароитга баҳо бериш, қарор қабул қилиш ва вазифаларни белгилаш Бошқарувнинг асосий хужжати фуқаро мухофазаси режаси хисобланади. Шикастланиш ўчокларида қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар бошқариш учун асос ушбу ишларни ўтказиш: учун фуқаро мухофазаси бошлиғи қабул қилган қарордир.
- ❖ Кутқарув ишларини ўтказиш учун бошлиқнинг қарорига асос берилган баходан келиб чиқкан хulosалар хисобланади. Шу мақсадда фуқаро мухофазаси органлари табиий оғатлар, авариялар, халокатлар содир бўлганда, ўз ихтиёридаги умумий ва маҳсус разведка кучлари ва воситаларини бор имкониятларидан юқори даражада фойдаланиб, тасарруфидаги ва ҳамкор органлардан, харбий кўмондонлик органларидан, қўшнилари шунингдек юқори фуқаро мухофазаси органларидан ва бошқа манбаларда (кундалик бошқарув органлари, ахборот-бошқарув қуи тизими) юзага шароит хақида маълумот тўплашни ташкил этади.
- ❖ Шароит хақидаги маълумотлар тахлилига (уларга берилган баҳога) асос фуқаро мухофазаси хизматлари бошликлари қабул киладиган қарорлар юзасидан хulosалар ва таклифлар тайёрлаб, фуқаро мухофазаси бошлиғига ахборот берилади.

Шароитга бахо беришда фуқаро мухофазаси бошликлари қуйидагилар ўрганиб чиқади:

- ❖ - табиий офат, авария, халокат юзага келган жой, характеристи, кўлами;
- ❖ - вилоят (шаҳар, туман, объект) ҳудудидаги куч ва воситаларни олиб чиқиш йўлларидағи вайроналиклар (сув босишлиар), ёнғинлар шикастланишларнинг характеристи, хажми;
- ❖ - амалга ошириладиган ишлар тури ва хажми;
- ❖ - радиациявий, кимёвий, бактериологик ва бошқа шароит, унинг қутқарув бошқа ишлар ўтказишга кўрсатадиган таъсири;
- ❖ - фуқаро мухофазаси кучлари ва воситаларининг, бошқарув органларининг, таркиби, ҳолати, таъминоти ва имкониятлари;
- ❖ - кўшимча (маҳсус) кучлар жалб этиш эҳтиёжи;
- ❖ - шикастланиш ўчоғи чегарасига (табиий офат, авария, халокат жойга) ёндош қўшни шаҳарлардаги, шаҳар туманларидаги, объектлардаги фуқаро мухофазаси кучлари ва воситаларининг аҳволи, характеристи, фаолияти, улар билан ҳамкорлик қилиш шартлари;

- ❖- кучлар ва воситаларнинг шикастланиш ўчоғига (табиий офат, авария, халокат жойига) ва ишлаш объектларига бориш маршрутининг ҳолати ва жой тавсифи;
- ❖- гидрометеорологик шароит, об-хаво ҳолати, йил фасли ва кеча-кундуз вакти;
- ❖- қутқарув ишлари ўтказиш учун куч ва воситалар киритишнинг энг мақбул йўналишлари, қутқарув ишларини ўтказиш чоғидаги хавфсизлик чоралари.
- ❖ Шикастланиш ўчоғида (табиий офат, авария, халокат жойида) юзага келган шароитга баҳо бериш ва қўйилган вазифаларни аниқлаштириш юзасидан шахсан ўзи олиб борган ишлар натижасида, шунингдек ФВДТ органларининг хулосалари ва таклифларини хисобга олиб фуқаро муҳофазаси бошлиқлари шикастланиш (заарланиш) ўчоқларида авария -қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни ўтказиш хақида қарор қабул қиласди.

❖ Фуқаро мухофазаси бошлиғи қарор қабул қилишни таъминлаш мақсадида хизматлар ва бошқарувнинг бошқа органлари билан ҳамкорликда шароитни, куч ва воситаларни, метеорологик шарт-шароитларни ўрганиб, баҳо беради.

Фуқаро мухофазаси бошлиғи күтқарув ва бошқа шошилинч ишларни ўтказиш хакида қарор қабул қиласкан, куйидагиларни белгилаб олади:

- ❖ - ҳаракатлар мазмуни: тузилмаларнинг асосий кучларни қаерда ва қандай шароитда жамлаш, ишларни, куч ва воситалар манёврини қандай тартибда (қандай кетма-кетликда) амалга ошириш;
- ❖ - биринчи смена тузилмалари ва бўлинмаларининг вазифалари;
- ❖ - иккинчи ва ундан кейинги сменаларнинг, резервнинг вазифалари;
- ❖ - ишларнинг бошланиш ва тугаш вақтлари;
- ❖ - ҳамкорлик қилиш тартиби;
- ❖ - күтқарув ишларини ўтказиш вақтида тузилмаларни моддий, техник ва бошқалар билан таъминлаш тадбирлари, ишларни ўтказишда хавфсизлик чоралари;
- ❖ - бошқарувни ташкил этиш.

**1. Хабар бериш** - фуқоро мудофаси, фуқоро мудофаси кучлари ва ахолига огохлантириш сигналарини етказиб бериш учун воситалар ва усуллар мажмуи.

## **Хабар беришнинг асосий вазифалари:**

- ❖ 1. Бошкариш органларига ва ФМ кушинларига фуқаро муҳофазаси тадбирларини уз вактида етказиш.
- ❖ 2. Бошкариш органлари ва Фуқаро муҳофазаси кушинларига, ҳамда ахолига барча турдаги фавкулодда ходиса (харбий, техноген, табий ва х.к.) түгрисида уз вактида ахборат етказиш ва уларни огохлантириш.



### **Алоқа ва хабар беришини ташкил этиши.**

- ❖ Фуқаро муҳофазаси ҳавф - хатар ҳақида ёки унинг юз бериши мумкинлиги түғрисида ўз вактида хабар ва маълумот беришдан бошланади.
- ❖ Ахолига хабар бериш - бу юзага келиши мумкин бўлган, зилзила, сув босиши, ёки бошқа табиий оғатлар ҳақида огохлантириш бўлиб, ўтган авария, катастрофалар ҳақида хабар беришdir.
- ❖ Хабар бериш ахолига тушунарли, аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади. Мақсад ахолини эътиборини инсонлар ҳаёти ва саломатлигига ҳавф соловчи қандайдир вазият содир бўлиши мумкинлигига қаратиш ва бундай вазиятларда харакат тартибини назорат килиш.

Хабар бериш тизими – фукаро мудофаси бошкаруви тизимининг бир кисми, яъни кучларнинг ташкилий-техникавий бирлашмаси ва хабар беришнинг маҳсус техник воситалари, телекоммуникация тармоклари, жамоат аълока тармоклари каналлари ва идоравий коммуникация тармоклари.

### **ФМ хабар бериш тизими турлари:**

- ❖ 1. Объект (Локал).
- ❖ 2. Махаллий;
- ❖ 3. Республика;



### **Сигнал группаси:**

1. ФМ ФВ БО кучларига, ФМ кушинларини ва ФВВ харбий кушинларига жанговар шайлик холати учун бериладиган бошкариш сигнални.
- ❖ А). Мудофа Вазирлиги каналлари оркали;
- ❖ Б). Фавкулодда вазиятлар Вазирлиги каналлари оркали.
2. Фукаро муҳофазаси, унинг кисмларини шаҳардан ташкари жойларга утказиш, умумий ёки кисман кучиш (эвакуация) учун бошкариш сигналлари; - фактат ФВВ каналлари оркали
3. Уруш холати булиши мумкинлиги ёки булганлиги тугрисида ахолини огохлантириш сигнални- давлат раҳбарияти тамонидан барча мавжуд каналлар оркали.

## РЕСПУБЛИКА ДАРАЖАСИДА:

- Республика марказлаштирилган хабар бериш тизимини, шунингдек ахборот билан таъминлаш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва уни доимий тайёр ҳолда сақлаш;
- алоқа, радио, телевидение ва бошқа техника воситаларининг давлат ва идоравий каналларидан бошқариш ва ахборотни узатиш учун марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;
- кимёвий ва бошқа кучли хавфли объектларда ҳамда уларга ёндош ҳудудларда хабар бериш ва ахборотларнинг маҳаллий тизимини, шунингдек, сув омборининг гидротехник иншоотларида сигнализация ва хабар беришнинг маҳаллий автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалаштириш ва яратишни назорат қилиш;
- юзага келган ФВлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, мумкин бўлган оқибатлари ҳамда ФВларни бартараф этишга оид қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўпланишини ва алмашилишини ҳамда хабар қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш.

## Ўзаро ҳамкорлик.

Қутқарув ишларини ўтказишда фуқаро мухофазаси органлари ва кучларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш тартибини аниқлаб қўйиш фуқаро мухофазаси бошлиғининг авария - күтқарув ишларни ўтказиш  ҳақидаги қарорининг мухим таркибий қисми ҳисобланади.

- ❖ Ҳамкорлик фуқаро мухофазасининг ҳар бир бўғинида аниқланади (ташкил этилади). Бундан мақсад биргаликдаги харакатлар вазифаларини, мақсадларини ва вақтини келишиб олиш, шунингдек асосий вазифа бажарилишини кўзлаб турли куч ва воситаларнинг имкониятларидан самаралироқ фойдаланишидир.
- ❖ Авария - қутқарув ишларини ўтказиш ҳақида тезда қарор қабул қилиш билан бирга вазифаларни ижрочиларга ўз вақтида етказилишининг ҳам, улар бажарилини аниқ ташкил этишининг ҳам аҳамияти катта.
- ❖ Тасарруфдаги фуқаро мухофазаси органларига, тузилмалар командирларига, биритирилган қисмлар (бўлинмалар)га вазифалар фуқарс мухофазаси бошлиғининг шахсан ўзи томонидан ёки фуқаро мухофазаси органлари орқали буйруқлар ёки фармойишлар шаклида берилади.

❖ Фуқаро мухофазаси бошлиғи тасарруфидаги фуқаро мухофазаси кучлари бошқариш ва улар томонидан қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун тўла жавобгардир.

❖ Фуқаро мухофазаси бошлиғининг қарорини тўла амалга оширишга имкон берувчи бошқарувнинг тўлик, самарали ва мослашувчай тизимисиз фавқулодда вазиятлар шароитида мураккаб вазифаларни бажариш мумкин эмас.

❖ Шунингдек, захира (шахардаги, шаҳар ташқарисидаги) ёрдамчи, кўчма, фавқулода вазиятни тугатиш кучлари ва воситаларини бошқариш пунктлари хам бўлади.

❖ Шаҳардаги захира бошқарув пунктлари - шахарлар доирасида, лекин тоифаланган обьектлардан ташқарида жойлаштирилади. Уларни мухофаза қилиш даражаси тегишли шаҳар учун белгилаб қўйилган мухофазалаш даражасига мувофиқ бўлиши керак .

## МАҲАЛЛИЙ ДАРАЖАСИДА:

- Вилоят ичидағи алоқа ва хабар бериш тизимлари, шунингдек бошқарувнинг ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тизими尼 ташкил этиш ва доимий тайёр ҳолда саклаш; 
- Бошқариш ва ахборотни узатиш учун алоқа, радио, телевидение ҳамда бошқа техника воситаларининг давлат вилоят ва идоравий каналларидан марказлаштирилган ҳолда фойдаланиши таъминлаш;
- Юзага келган фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, етказиши мумкин бўлган оқибатлар, уларни бартараф этишга доир кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни хабар қилиш, тўплаш ва алмашишни таъминлаш, ҳамда назорат қилиш.

## ОБЪЕКТ ДАРАЖАСИДА:

- Кимёвий ва бошқа хавфли объектларда хабар қилиш ва ахборотнинг маҳаллий тизимларини, шунингдек гидротехник иншоотларда сигнализация ва хабар қилишнинг маҳаллий автоматик тизимларини яратиш ишларини ташкил этиш;
- Хабар қилиш, ахборот тўплашни таъминлаш ва назорат қилиш, юзага келган фавқулодда вазият, унинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, етказиши мумкин бўлган оқибатлари, ФВни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ва зарур ёрдам тўғрисида юкори органларга маълумот бериш.

# **ФВ хавфи ёки содир булганда БО, ФМ кучлари ва ахолига хабар бериш СИГНАЛЛАР**

*ФМ хабар бериш тизими оркали*

**Харбий холат учун ФВ**



**Табий-техноген холат учун ФВ**

Электросиленалар,  
Ишлаб чикариш  
гудоклари

**сигнал**

**«ДИККАТ ХАММАГА !»**

Суз оркали хабар

**ФМ БО учун - «Хаво хавфи»:**

- ракета хавфи (хаво кучлари учун)
- авиацита хавфи (ПВО)

**Ахоли учун - «Хаво тревогаси»**

**"Радиацион хавф"**

**«Кимёвий хавф»**

**Бактериологик хавф"**

**«ФВ содир булиш хавфи»**

**«ФВ содир булиши»**

**«Авария хавфи (авария кимё. иншоот)**

**«Авария хавфи (авария Рад. Иншоот)**

**«Эпидемия хавфи (эпидемия)»**

**«Сув босиши хавфи»**

**«Кучли шамол»**

**«Махсус хавфлар ФВ»**

(зилзила, сел, купорилиш, кучки ва х.к..)

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунигининг – 5 моддасида

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларниң ўзини-  
ўзи бошқариш органлари, шунингдек ташкилот ва корхона раҳбарлари  
аҳолининг ва ҳудудларниң фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш  
ҳолати, ҳамда уларниң ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган  
чоралар ҳакида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган  
фавқулодда вазиятлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза  
қилишниң усул ва йўллари ҳакида оммавий ахборот воситалари,  
ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда  
хабардор этишлари “*шарт*” деб таъкидланган.

# ФВ буйича хабар бериш

Ахолини куткариш  
тадбирлари



Бошқарув органларига  
маълумот бериш

## Сигнал «Диккат хаммага!»

- Аълока воситалари;
- Ёзма билдириги, маъруза ва хабар бериш

- объект и махаллий РТС;
- телевидение;
- Бошка восита ва усуллар

## Фавқулодда вазият юз берган жойда ахолига хабар бериш тартиби.

- ❖ Радиоэшиттириш ва телевидения (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни хам қўшиб) республика ахолисига ҳабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.
- ❖ ФМ ҳабар бериш сигналлари орқали, заҳарланиш ва ҳалокатли сув босиш хавфи ҳақидаги огоҳлантириш, шунингдек юзага келган ҳатти-ҳаракат тартиби ҳақидаги ахборотни республика (маҳаллий) эшиттиришларида овозли ҳабар тарзида ахолига етказилади.
- ❖ ФМ ҳабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун ҳудудга ҳам, шунингдек ҳудудларни танлаб олиб (вилоят, туманини) ҳам берилиши мумкин.
- ❖ *Масалан кимёвий хавфли объектда авария содир бўлганда қуийидагича ҳабар берилади: “Диккат барчага!!! Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (шаҳар бошқармасидан, бўлимидан) гапирамиз... (манзилда) Кимё комбинатида кучли таъсирчан заҳарли модда - хлор тарқаб, авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво булути йўналишида тарқала бормоқда.*

## **❖ ХАБАР БЕРИШ СИГНАЛЛАРИ ВА УЛАРГА БИНОАН АҲОЛИНИНГ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ.**

### ***❖ Алоқа ва хабар беришни ташкил этиши.***

- ❖ Фуқаро мухофазаси ҳавф - хатар ҳақида ёки унинг юз бериси мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар ва маълумот беришдан бошланади.
- ❖ Аҳолига хабар бериш - бу юзага келиши мумкин бўлган, зилзила, сув босиши, ёки бошқа табиий оғатлар ҳақида огоҳлантириш бўлиб, ўтган авария, катастрофалар ҳақида хабар беришdir.
- ❖ Хабар бериш аҳолига тушунарли аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади. Мақсад аҳолини эътиборини инсонлар ҳаёти ва саломатлигига ҳавф соловчи қандайдир вазият содир бўлиши мумкинлигига қаратиш ва бундай вазиятларда харакат тартибини тушунтиришдан иборат.

## ❖ **Хаво тревогаси» берилганда ахолининг хатти харакати.**

«Хаво тревогаси» берилганда ( узуксиз сирена) – ахолининг хатти харакати куйидагилардан иборат:

- ❖ 1. Ханадондаги барча деразаларни кора мато билан ёпиш;
- ❖ 2. Газ, электр ва сув манбаларини ёпиш; 
- ❖ 3. Керакли хужжатларни олиш;
- ❖ 4. Шахсий химоя воситасини шай холга келтириш;
- ❖ 5. Аптечкани олиш;
- ❖ 6. Узи билан күшимча эҳтиёт шарт нарсаларни (сув, озик-овкат, иссик кийим – бош ва х.к.);
- ❖ 7. Хонани герметиклигини текшириб чикиш;
- ❖ 8. Күшниларни огохлантириш;
- ❖ 9. Лозим булса касаллар ва узи юра олмайдиган инсонларга ёрдам бериш»;
- ❖ 10. Зудлик билан белгиланган панаогохларга бориш;
- ❖ 11. Панаогохга боришнинг иложи булмаса, енг якин пана жойга бориш ёки уни танлаш;
- ❖ 12. Зудлик билан шахсий химоя воситасини кийиш;
- ❖ 13. Доимий равишда берилаётган хабарларни эштиб бориш;
- ❖ 14. ФВ комиссияси буйрукларини сузсиз бажариш.

# **АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ВА ХАБАРЛАШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ)ни ишлаш режимларини ўрнатиш сигналларини (командаларини) вактида бериш (узатиш) ва қабул қилиш;
- ФВДТ бошқарув органлари ўртасида пастдан юқорига ва юқоридан пастга ахборот алмашинувини ишончли бўлиши;
- Фуқаро муҳофазаси бўлимлари, бошқармалари, хизматлари ва кучлари билан ахборот алмашинувини таъминлаш;
- ФВДТ бошқарув органларининг башорат қилинган ёки содир бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисида аҳолига ўз вактида хабар бериши.

## **Алоқа ва хабар бериш тизими қуидаги талабларга жавоб берishi керак:**

- ❖ - БАРҚАРОРЛИК;
- ❖ - ҲАРАКАТЧАНЛИК;
- ❖ - ЎЗ ВАҚТИДА БҮЛИШИ;
- ❖ - ИШОНЧЛИЛИК;
- ❖ - ЯШИРИНЛИК.



### **❖ Барқарорлик:**

- ❖ Бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг заарлантирувчи омилларини эътиборга олган холда алоқа тизимини ташкил этиш;
- ❖ Алоқа узеллари қисмларини ҳимоя иншоотларига жойлаштириш;
- ❖ Турли алоқа воситаларини биргаликда қўллаш;
- ❖ Алоқа захира куч ва воситаларини тузиш, уларни тўғри жойлаштириш ва ўз вақтида қўллаш билан;

## ❖ **Харакатчанлик:**

- ❖ Алоқа тизимини ёйиш ва қисмларини йиғиш вактини камайтириш;
- ❖ Алоқа куч ва воситаларини тұғри жойлаштириш ва захираларидан тұғри фойдаланиш;
- ❖ Алоқа каналлари, күчлари ва воситалари билан тезликада харкат килиш билан;
- ❖ Алоқа тизимини тезлик ва барқарор бошқариш билан эришилади.

## ❖ **Алоқа тизимини ўз вактидалилығи:**

- ❖ Алоқа тармоқларини бошқарув пунктларида аввалдан үрнатыб ишга тайёрлаб қўйиш бўйича ташкилий ва мухандислик техник тадбирларини ўтказиши;
- ❖ Тезкор ва барқарор бошқариш;
- ❖ Ўзаро ахборот алмашиниш ва кўрсатув олиб бориш бўйича қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш;
- ❖ Узатилаётган ахборотлар ҳажми сўз жихатидан кам ва маъно жихатидан тушунарли хамда фармойиш ва хабарларни бир қолипга солиш;
- ❖ Алоқа тармоқларида тезкор-техник хизматни аниқ ташкил қилиш ва ахборотлар харакатини қаттиқ назоратга олиб бориш.

## **❖ Алоқа тизимини ишончлилиги:**

- ❖ Алоқа каналлари ва воситаларининг техник тавсифини ўрнатилган (қабул қилинган) параметрларда сақлаб туриш;
- ❖ Ўта мухим ахборотларни узатиш учун  юқори сифатли каналларни қўллаш;
- ❖ Бир пайтнинг ўзида битта канал орқали хабарларни қайтатдан узатиш;
- ❖ Орқага текшириш ва ўта ишончли аппаратларни қўллаш билан эришилади.

## **❖ Алоқа тизимининг яширинлилиги :**

- ❖ Махфийлаштириш, шифрлаш, кодлаштириш аппаратларини ва яширин бошқариш ҳужжатларини қўллаш;
- ❖ Ўзаро ахборот алмасинища, маълумотларни узатишда қабул қилинган қоида ва тартибларни саклаш;
- ❖ Махфий ахборот алмашинуvida иложи борича камроқ одамларни жалб қилиш;
- ❖ Алоқа воситаларини тўғри жойлаштириш, уларни ишлаш тартибига қатий риоя қилиш.

# **Уяли алоқа телефонидан**

## **хизматларни чақириш тартиби**



**MTS компанияси абонентлари учун                            \*01**


**BEELINE компанияси абонентлари учун                    #01**

**PERFECTUM компанияси абонентлари учун    01**

**UCELL компанияси абонентлари учун                    010**

Q





AT ELECTRONIC  
AND  
COMMUNICATION  
INTERNATIONAL

KB Трансивер CODAN  
NGT SRx





